

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРИНИ КРЕАТИВ ФИКРЛАШ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Ф.Ф. Нарзуллоева

Бухоро муҳандислик-технология институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим муассасалари талабаларида креатив ёндашув асосида иқтисодий билимларини такомиллаштиришнинг инновацион йўллари ҳамда ушбу фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, инновация, креатив ёндашув, педагогик фаолият, олий таълим.

Аннотация. В данной статье рассматриваются инновационные пути совершенствования экономических знаний студентов высших учебных заведений на основе креативного подхода, а также разработка методов и средств эффективной организации данной деятельности.

Ключевые слова: экономика, инновации, креативный подход, педагогическая деятельность, высшее образование.

Annotation. This article discusses innovative ways to improve the economic knowledge of students of higher educational institutions based on a creative approach, as well as the development of methods and means of effective organization of this activity.

Keywords: economics, innovation, creative approach, pedagogical activity, higher education.

Ҳозирги замон глобаллашув шароитида ҳар бир соҳада тубдан ўзгаришлар кузатилмоқда, жумладан олий таълим тизимида ҳам талабаларда креатив фикрлаш сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Жамиятдаги барча корхона, ташкилотларда инновацион ҳамда креатив фикрлашга зарурат туғдирадиган глобал муаммоларни ҳал қилиш учун инновацион билим ва яратувчанлик қобилиятига тобора эҳтиёж сезилмоқда.

Талаба шахсининг мутахассис сифатида етук касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра тизимли ижодий жараён тарзида намоён бўлади. Ижодкор шахсининг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенези - туғилишидан бошлаб, то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ. Таълимнинг асосий роли талабаларни жамиятда муваффақият қозониш учун зарур ва керак бўладиган сифатли таълим бериш ҳисобланса, креатив фикрлаш ҳозирги ёшларнинг ривожланиши учун зарур эҳтиёж бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ, касбий-ижодий фаолият

кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан, замонавий билимлардан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларнинг етарли даражада ўзлаштирилишини талаб қилади.

Креативлик (лот, инг. «create» - яратиш, «creative» яратувчи, ижодкор) - индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини белгилайди.

Креатив фикрлаш эса – бу инновацион (янги, новатор, оригинал, ностандарт, ноодатий ва ҳоказо...) ва самарали (амалий, натижавий, тежамли, оптимал ва ҳоказо) ечимларни топиш, янги билимларни эгаллаш, тасаввурни таъсирчан ифодалашга қаратилган ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида самарали иштирок этиш қобилиятидир.

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий махсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётий муҳим ва касбий шартланган ходисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этилади. Талабанинг креативлик сифатларига эга булиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини, касбий фаолиятини сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради.

Олий таълим тизимида ўқиш фаолиятида бўлган талабалар креатив фикрлаш сифатларига эга бўлишлари учун уларда ўқув ва тарбия жараёнларида анъанавий ёндашишдан фарқли ўлароқ танқидий фикрлаш методларини ҳам билишлари лозим.

Талабаларда иқтисодий билимларни креатив фикрлаш орқали шакллантиришда профессор-ўқитувчилар маҳорати ҳамда ўзидаги ноанаънавий ғоялари алоҳида ўрин тутаяди. Ваҳоланки, ўқитувчи аудиторияда талабалар ўзини эркин сеза оладиган ва ўз фикрлари, ғоялари билан бўлиша оладиган муҳит яратиши лозим. Талабалар креативликни аудиторияда ўз иқтисодий ғоя ва фикрларини турли йўллар билан ифода этишлари лозим.

Талабалар онгида юз бераётган жараёнларни янада фаоллаштириш учун ўрнатилган қонун-қоидалар, стандартлардан четга чиқиб, турли саволларга жавоб беришда эркин ҳаракат қилишлари керак. Педагог талабалардаги креативликни ноодатий ғояларни ўртага ташлаш ва уларни вербал ва новербал тарзда рағбатлантириш орқали қўллаб-қувватлайди. Педогогнинг талабалар бераётган креатив ғояларига нисбатан тўғри муносабати уларнинг мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган шартларни англашида муҳим аҳамиятга

эга. Мазкур элементларнинг барчаси ўқитувчи-талаба муносабатининг муҳим қисми бўлиб, талабалар муваффақиятини таъминлайди.

Муайян омиллар талабаларда креатив фикрлаш малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Креатив фикрлаш талабаларга муаммоларни ҳал қилишда ноодатий, қутилмаган ечим топишга ёрдам беради. Бироқ биз уни танқидий фикрлаш билан адаштириб юбормаслигимиз, аксинча, бизга имконсиз муаммоларни ҳал қилишда бир-бирини тўлдириб турувчи ечимларни топишда ёрдам берадиган “ака-укалар”дек қарашимиз керак.

Ҳар бир талабада таълим олишга бўлган истак бор. Фақатгина биз шу истакнинг бошланғич нуқтасини топишимиз керак.

Талабаларнинг биргина иқтисой билимларга бўлган эҳтиёжини оладиган бўлсак, улардаги қизиқувчанлик одатий назарий билимлар билан етарлича қондира олинмайди. Таълимда замонавий қарашлар креатив фикрлаш каби ғоялар кириб келиши билим олувчилар учун самарали йўл бўлиб хизмат қилмоқда.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Олий таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари уларда ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолипда фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилмасликка ёрдам беради. Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятини ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, илғор, талабаларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади.

Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли

вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциални янада ривожлантиради.

Иқтисодий билимнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлиги таъминланди, “Иқтисодий билим асослари” ўқув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шу билан бирга ўқитиш мазмуни-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштириш кўзда тутилади.

Таълим жараёнидаги креативлик талабаларда ўқишга кизиқишларини орттирувчи креатив саволлар тузиш, турли расм, тасвир, жадвал, диаграмма, рамзий ифодалардан фойдаланиш, таълим олувчиларга баён этилаётган ўқув ахборотлари билан мутлақо алоқаси бўлмаган ғоялар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни топиш каби вазифаларни бериш, кичик кичик гуруҳларда ишлашларини таъминлаш каби ҳаракатларда акс этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Гревцева, Г. Я., Олимов, Ш. Ш., Абдуллаев, К. Ф., & Самиева, Ш. Х. ОБЩАЯ ПЕДАГОГИКА.

2. Самиева Ш., Шодмонова М., Рахматова Г. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР ИЖОДКОРЛИК ВА ЛОЙИҲАЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ: Самиева Шахноз Хикматовна, педагогика фанлари номзоди, Бухоро муҳандислик-технология институти доценти Шодмонова Мижгона Салимовна, Бухоро муҳандислик-технология институти стажёр-тадқиқотчиси Рахматова Гулмира Насилло кизи, Бухоро муҳандислик-технология институти стажёр-тадқиқотчиси //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 1. – С. 154-162.

3. Самиева Ш., Нарзуллоева Ф. OLIY TALIMDA STRATEGIK FIKRLASH VA KREATIV BOSHQARISH ASOSIDA TALIMNI TASHKIL ETISHNING MUHIM YONALISHLARI: Samiyeva Shaxnoz Xikmatovna, pedagogika fanlari nomzodi, Buxoro muhandislik-texnologiya instituti dotsenti Narzulloyeva Feruza Fatulloyevna, Buxoro muhandislik-texnologiya instituti mustaqil tadqiqotchisi //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 1. – С. 163-177.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. АВАЗБОЕВ А.И., ПАРДАБОЕВ Ж.Э. ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙУЛЛАРИ
2. Усмонбоева, А.Тураев, Креатив педагогика асослари. Уқув-услугий мажмуа. -ТСПУ, 2016.